

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Ҳ.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

ЭСАНАЛИЕВ САДРИДДИН НУРИДДИН ЎҒЛИ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ИНСТИТУТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ
ва суд экспертизаси

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Dostor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2025 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Эсаналиев Садриддин Нуриддин ўғли

Жиноят процессида дастлабки эшитув институтини такомиллаштириш масалалари.....3

Эсаналиев Садриддин Нуриддин ўғли

Вопросы совершенствования института предварительного слушания в уголовном процессе.....22

Esanaliyev Sadriddin Nuriddin ogli

Issues of improving the institution of preliminary hearings in the criminal process.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Ҳ.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

ЭСАНАЛИЕВ САДРИДДИН НУРИДДИН ЎҒЛИ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ИНСТИТУТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ
ва суд экспертизаси

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Dostor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2025 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.PhD/Yu1674 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.proacademy.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шодиев Ғулом Махамматович
юридик фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Астанов Истам Рустамович
юридик фанлар доктори, профессор

Кадирова Моҳигул Ҳамитовна
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил 10 сентябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел./факс: (+99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (63-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел./факс: (+99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2025 йил 26 август куни тарқатилди.
(2025 йил 26 августдаги 28-рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминжонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

В.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида жиноят содир этган ҳар бир шахснинг иши адолатли суд муҳокамаси тарзида кўриб чиқиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахсни жавобгарликка тортилмаслигини таъминлашда дастлабки эшитув институти аҳамияти тобора ортиб бормоқда. АҚШда жиноят ишларининг 96 фоизи айнан ушбу босқичда ҳал этилади. *Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил), Европа Инсон Ҳуқуқлари Конвенцияси (1950 йил), БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий тамойиллари (1985 йил), БМТнинг суд адолатини амалга оширишга оид минимал стандарт қоидаларида (2002 йил)* ҳар бир шахснинг иши қонунийлик асосида мустақил ва холис суд томонидан адолатли ва очиқ муҳокама қилиниши қайд этилган. Кўплаб хорижий мамлакатларда жиноят процессида дастлабки эшитув босқичидан самарали фойдаланилаётганлиги, жиноят ишларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқишга, процессуал чиқимларни камайишига, процесс иштирокчилари учун қўшимча қулайликлар яратилишига, шунингдек, процессуал хатоларни барвақт аниқлаш ва бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда жиноят ишларини соддалаштирилган тартибда дастлабки эшитув тарзида кўриб чиқиш орқали сифатли жиноят ишларининг судга келиб тушишини таъминлаш, номаъбул далилларнинг процессуал тақдирини ўз вақтида аниқлаш, айблов далилларининг қонунийлиги ва ҳаққонийлигини текширишда тарафларнинг тортишувини таъминлаш, тергов босқичида шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини дастлабки эшитув босқичида тўлиқ тиклаш тартибини янада соддалаштириш, жиноят ишларининг кейинги тақдирини тез ва адолатли ҳал этиш юзасидан тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, дастлабки эшитувнинг мазмун-моҳиятига ойдинлик киритиш, мазкур босқични ўтказишнинг процессуал асослари ва тартиби, тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, судларга тақдим этиладиган илтимосномага қўйилган талабларни аниқлаш, мазкур босқичнинг очиқ ёки ёпик суд мажлисида ўтказилишининг аниқ чегараларини белгилаш, жиноят ишини дастлабки эшитув босқичида тугатган судья мазкур жиноят ишини кейинчалик қайта кўриб чиқишда иштирок эта олмаслиги, номаъбул далилларни чиқариб ташлаш ҳақида дастлабки эшитув ўтказишга суднинг ташаббус кўрсатиш ваколатлари ҳамда айб эълон қилинган шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилашни янада такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикада жиноят процессининг дастлабки эшитув босқичида учраётган процессуал ҳуқуқий бўшлиқ ва хатоларни бартараф этиш орқали «Инсон қадри учун» деган эзгу ғояни тўлиқ рўёбга чиқариш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси»нинг «Жиноят-процессуал қонунчиликини

такомиллаштириш» деб номланган 3.3-бандида тарафларнинг ўзаро тортишув тамойилини таъминлаш асосида дастлабки эшитиш институтини жорий этиш орқали жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш босқичини ислоҳ қилиш каби вазифалар белгиланганлиги дастлабки эшитув институтини такомиллаштириш лозимлигини тақозо этади. Статистик маълумотларга кўра¹, мамлакатимизда 2021 йилда 92 та, 2022 йилда 791 та, 2023 йилда 1053 та, 2024 йилда 1112 та жиноят ишлари дастлабки эшитув тарзида кўриб чиқилган. Мазкур кўрсаткичлар йилдан-йилга сезиларли даражада ортаётган бўлсада, ҳуқуқни қўллаш амалиётида дастлабки эшитув босқичи ёпиқ суд мажлисида ўтказилаётганлиги, дастлабки эшитув ўтказиш муддати умумий суд муҳокамаси муддатига кириш ёки кирмаслиги ҳақида амалдаги қонунчиликда аниқ қоидалар белгиланмаганлиги каби бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги мазкур соҳада илмий тадқиқот ишларини амалга оширилиши долзарблигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023), «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни (2021), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016), «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2017), «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2020), «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги (2022), «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги (2023) Фармонлари, «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) Қарори ҳамда мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят процессида дастлабки эшитув босқичининг бази жиҳатлари мамлакатимиз олимлари Д.С.Довудова, З.Ф.Иноғомжонова, О.М.Мадалиев, Д.М.Миразов, Б.Мўминов, Б.Б.Муродов, Б.Х.Пўлатов, М.З.Раджапова, С.М.Рахмонова, Н.И.Хайриев, Ғ.М.Шодиев ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

¹ Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2021-2024 йиллар давомида кўрилган дастлабки эшитувлар тўғрисидаги маълумот. Олий суди раиси ўринбосарининг 05.02.2025 йилдаги 07/13-1048-75-сонли алоқа хати.

Хусусан, Д.С.Довудова «Жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор иштирокининг назарий ва амалий масалалари» (2024), З.Ф.Иноғомжонова «Жиноят-процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари» (2006), О.М.Мадалиев «Жиноят ишлари биринчи инстанция судларида қўрилишида прокурорнинг иштироки» (2005), Д.М.Миразов «Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, таъкилий ва процессуал жиҳатлари» (2016), Б.Мўминов «Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати» (2020), Б.Б.Муродов «Жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш» (2018), Б.Х.Пўлатов «Теоретические и практические проблемы и пути совершенствования законодательного регулирования участия прокурора при рассмотрении уголовных дел в судах» (2002), М.З.Раджапова «Жиноят ишларини юқори суд инстанцияларида қўрилишида прокурор функциялари ва ваколатларини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил» (2023), С.М.Рахмонова «Предварительное слушание дела как форма назначения дела к судебному разбирательству» (2018), Н.И.Хайриев «Жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш» (2019), Ғ.М.Шодиев «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатлари устидан суд назорати» (2010) мавзусидаги тадқиқотларда дастлабки эшитув босқичининг умумий жиҳатлари юзасидан илмий мушоҳада юритилган.

Хорижий мамлакатларда дастлабки эшитув босқичи бўйича В.А.Азаров, М.А.Верецагина, В.П.Верина, А.В.Горяинов, Н.Григорьев, Д.Г.Дик, Т.Н.Долгих, Н.А.Дудко, П.Л.Ишимов, Н.Н.Ковтун, Н.В.Кулик, А.В.Победкин, А.П.Шурыгин, J.H.Langbein, S.R.Miller, M.E.Goodman, L.A.Friedman каби бир қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Бироқ, танланган мавзу бўйича назарий-ҳуқуқий муаммолар суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар, миллий қонунчилик, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ҳамда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда *дастлабки эшитув институтини такомиллаштириш масалалари* алоҳида монографик тадқиқ этилмаган. Бу эса тадқиқот мавзусининг долзарб аҳамият касб этишини белгилаб, уни илмий ва амалий жиҳатдан ўрганиш зарурлигидан далолат беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва жиноят-процессуал қонунчиликдаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади жиноят процессида дастлабки эшитув институтини такомиллаштириш юзасидан илмий-назарий, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дастлабки эшитув тушунчаси ва унинг моҳияти унинг жиноят-процессуал муносабатлардаги аҳамиятини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

дастлабки эшитув институтини ретроспектив таҳлил этиш;

жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказишнинг процессуал асослари ва тартибини назарий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш;

дастлабки эшитув ўтказишда прокурор иштирокининг ўзига хос жиҳатлари борасида мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

дастлабки эшитув ўтказиш бўйича айрим хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва уларнинг илғор тажрибасини миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

дастлабки эшитув институтини янада такомиллаштиришга доир янгича ёндашувларни илгари суриш ҳамда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини жиноят процессида дастлабки эшитув институтини тартибга солиш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини дастлабки эшитув институтини тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунчилик нормалари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд-тергов амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда билишнинг анализ, синтез, индукция, дедукция, тарихийлик, мантикийлик, анкета сўрови, жиноят ишлари, суд ажримлари ва бошқа статистик маълумотларни ўрганиш каби усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жиноят ишларини дастлабки эшитув босқичида ЖПКнинг 83, 84-моддаси биринчи, бешинчи қисмлари билан тугатган судья мазкур жиноят ишини кейинчалик биринчи инстанция судида умумий суд муҳокамасида, апелляция, кассация ҳамда тафтиш инстанциясида кўриб чиқишда иштирок эта олмаслиги асослантирилган;

жиноят процессида дастлабки эшитув ўтказиш муддатлари жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддатига кирмаслиги асослантирилган;

дастлабки эшитув судья томонидан очик суд мажлисида якка тартибда, тарафлар иштирокида ўтказилиши, бундан давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган ҳоллар, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўрилаётган ҳоллар мустасно эканлиги асослантирилган;

суд ўз ташаббусига кўра номақбул далилларни чиқариб ташлаш ҳақида дастлабки эшитув ўтказишга ҳақли эканлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий-натижалари қуйидагилардан иборат:

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган;

давлат айбловчисининг дастлабки эшитув ўтказиш ҳақидаги илтимосномаси намунаси ишлаб чиқилган;

дастлабки эшитув ўтказиш бўйича ҳимоячи томонидан судга такдим этиладиган илтимоснома намунаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 27.11.2015 йилдаги «Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар қўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги 126-сонли буйруғига дастлабки эшитув босқичида прокурор иштироки билан боғлиқ асосий қоидаларни белгилаш асослантирилган;

прокуратура органлари ходимлари учун «Жиноят процессида дастлабки эшитув институти» мавзусида масофавий электив курси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, уларни қўллаш амалиётидаги илғор тажрибалар, социологик (анкета сўрови) тадқиқотлар, статистик маълумотлар таҳлили натижаларини умумлаштириш орқали асослантирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтган, тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган. Диссертацияда 2 346 нафар прокуратура, 60 нафар адвокатура, 70 нафар судьялар ҳамда 278 нафар илмий-педагог ходимлар ўртасида ўтказилган сўров таҳлиллари, шунингдек 200 дан ортиқ суд ажримлари ўрганилиб, хулосалар умумлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялардан илмий фаолият, қонун ижодкорлиги, қонунни қўллаш амалиёти, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, шунингдек, назарий жиҳатларига таяниш келгусида жиноят процессининг суд муҳокамасида қонун устуворлигини таъминлаш ва прокурор иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш, суд мажлиси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзуни тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, хулоса ва тавсиялардан Жиноят-процессуал кодексини, «Прокуратура тўғрисида»ги қонунини, Олий суд Пленумининг қарорларини, Бош прокурорнинг ишни судда юритишга оид идоравий ҳужжатларини ҳамда суд-тергов амалиёти тартиб-таомилларини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятини яратиши, натижалар ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илмий тадқиқот ишларини, «Жиноят-процессуал ҳуқуқ», «Прокурорлик назорати», «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар», «Судларда жиноят ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш» фанларини назарий жиҳатдан бойитишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиноят процессида дастлабки эшитув институтини такомиллаштириш масалаларининг назарий ва амалий жиҳатлари бўйича олинган хулоса, таклиф ва тавсиялар асосида:

жиноят ишларини дастлабки эшитув босқичида тугатган судья мазкур жиноят ишини кейинчалик биринчи инстанция судида умумий суд муҳокамасида, апелляция, кассация ҳамда тафтиш инстанциясида кўриб чиқишда иштирок эта олмаслиги ҳақидаги таклифидан қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 19 мартдаги 3/dn-59-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши судьянинг холислигини таъминлаш ва ҳар икки босқичда ҳам бир хил судья иштирок этмаслигини кафолатлашга хизмат қилади.

жиноят процессида дастлабки эшитув ўтказиш муддати жиноят ишини судда умумий тартибда муҳокама қилиш муддатига кирмаслиги ҳақидаги таклифидан қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 19 мартдаги 3/dn-59-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши ҳуқуқни қўллаш амалиётида дастлабки эшитув ўтказиш муддатининг умумий суд муҳокамаси муддатига кириш ёки кирмаслиги борасида нотўғри талқинларни олдини олиш билан бирга одил судловни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

дастлабки эшитув судья томонидан очиқ суд мажлисида якка тартибда, тарафлар иштирокида ўтказилиши, бундан давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган ҳоллар, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўрилаётган ҳоллар мустасно эканлигига доир таклифидан қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 19 мартдаги 3/dn-59-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши дастлабки эшитув босқичининг очиқ суд мажлисида ўтказилишига, жиноят ишларини видеоконференцалоқа режимидан фойдаланган ҳолда кўриб чиқишда суд ва процесс иштирокчиларининг вақт ва ресурсларининг тежалишига сабаб бўлади ва бу халқаро стандартлар талабларига ҳам мувофиқ келади.

суд ўз ташаббусига кўра номақбул далилларни чиқариб ташлаш ҳақида дастлабки эшитув ўтказишга ҳақли эканлиги ҳақидаги таклифидан қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинганлиги инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 19 мартдаги йилдаги 3/dn-59-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун судга келиб тушган жиноят ишларидан номақбул далилларни чиқариб ташлаш асослари аниқ кўриниб турган ҳолларда тарафлар томонидан дастлабки эшитув ўтказиш ҳақида илтимосномалар тақдим этилмаган ҳолларда суд ўз ташаббусига кўра дастлабки эшитув ўтказиши одил судловни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 2 та халқаро, 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилиниб, маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, 9 та илмий мақола (шулардан 4 таси хорижий нашрлар) 4 та илмий конференция тўпламларида (шундан 2 таси хорижий нашр) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 156 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ҳамда технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилишига оид маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Дастлабки эшитув институтининг назарий асослари ва тарихий ривожланиши»** деб номланган бўлиб, унда дастлабки эшитув тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ва қисмлари назарий жиҳатдан ўрганилиб, дастлабки эшитув институтининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи чуқур таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг **«Дастлабки эшитув тушунчаси ва унинг моҳияти»** деб номланган биринчи параграфида дастлабки эшитув институтининг илмий-назарий жиҳатлари, дастлабки эшитув тушунчаси ва унинг моҳияти, ҳуқуқий асослари, жинойт-процессуал ҳуқуқ назариясида илгари сурилган концептуал ғоялар мазмуни чуқур таҳлил қилиниб, комплекс тарзда ўрганилган.

Илмий тадқиқот давомида диссертант амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда «дастлабки эшитув» тушунчаси ўз ифодасини топмаганлигини камчилик сифатида эътироф этиб, ўзбек атамашунослигидан келиб чиққан ҳолда **«дастлабки»**, **«эшитув»**, **«дастлабки эшитув»** каби жумлаларнинг мазмун-моҳияти юзасидан чуқур мулоҳаза юритиб, Д.С.Довудова, Н.А.Дудко, З.Ф.Иноғомжонова, С.М.Рахмонова, А.П.Шурыгин, Ю.К.Якимович ва бошқа олимлар билан илмий мунозарага киришиб, «Дастлабки эшитув» тушунчасига муаллифлик таърифини ишлаб чиққан.

Тадқиқотчи дастлабки эшитувни тайёрлов ёки мустақил босқич деб ҳисоблаш борасида А.Ю.Гордеев, А.П.Гусякова, Д.С.Довудова, П.Л.Ишимов,

В.Смирнов, Л.Г.Татьянина, С.Н.Хорьяков каби олимлар билан илмий баҳсга киришиб, ушбу босқичда жиноят ишлари тугатилиши, суд мажлиси баённомаси юритилиши ва гувоҳлар сўроқ қилиниши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, дастлабки эшитув суднинг мустақил босқичи эканлиги тўғрисида хулосага келган. Суд-тергов амалиёти ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 80 фоизи мазкур таклифни қўллаб-қувватлаганлар.

Шунингдек, муаллиф дастлабки эшитувни назарий жиҳатдан қуйидаги уч қисмдан иборат бўлиши ҳақида хулосага келган: *дастлабки эшитувни тайинлаш ва унинг очилиши*: ушбу қисмда процесснинг очилиши, иштирокчиларнинг суд мажлисига келган келмаганлиги, уларнинг шахсини аниқлаш, суд таркибини эълон қилиш, кимлар давлат айбловчиси, ҳимоячи сифатида қатнашаётганлиги, уларнинг процессуал мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши каби процессал ҳаракатларни ташкил этади; *дастлабки эшитув ўтказилишига асос бўлган ҳолатларни муҳокама қилиш*: бунда процесс иштирокчиларидан қўшимча илтимослари бор-йўқлигини сўраш, уларни муҳокама қилиш, жиноят ишига доир материалларни текшириш, гувоҳларни сўроқ қилиш, давлат айбловчисининг ва ҳимоячининг дастлабки эшитувда ҳал этилаётган масалалар юзасидан фикрларини эшитиш каби процессуал ҳаракатлар ташкил этади; *дастлабки эшитув натижалари бўйича якуний тўхтамга келиш*: мазкур қисмда суднинг ўз ташаббусига кўра якуний тўхтамга келиш ёки тарафларнинг илтимосномаларини қаноатлантириш ёки қаноатлантирмаслик масалалари юзасидан ажрим чиқариш каби процессуал ҳаракатларда намоён бўлади.

Шу жумладан, диссертант томонидан тадқиқотда А.В.Смирнов, И.В.Кравченко, М.А.Чельцов, П.Л.Ишимов ва бошқа олимларнинг жиноят процессида дастлабки эшитув босқичининг мақсад ва вазифалари ҳақидаги қарашлари тадқиқ этилиб, мазкур босқичнинг *асосий мақсади* айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун судга келиб тушган жиноят ишлари бўйича ўтказилган суриштирув ва дастлабки терговнинг қонунийлигини ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш, унинг *асосий вазифалари* жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш, жиноят-процессуал қонунбузилишларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, суд муҳокамаси самарадорлигини ошириш деган хулосага келган.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи **«Дастлабки эшитув институтининг ретроспектив таҳлили»** деб номланиб, унда дастлабки эшитув институтининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ретроспектив таҳлил қилиниб, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари комплекс тарзда ўрганилиб, дастлабки эшитув институтининг тарихий босқичлари уч даврга бўлиб ўрганилган.

Муаллиф П.Л.Ишимов, Г.Ф.Поленов, А.В.Смирнов, И.С.Тарновский, Ю.И.Тарасова каби олимларнинг дастлабки эшитув институтининг

ривожланиш босқичлари ҳақидаги фикрлари билан илмий баҳсга киришиб, дастлабки эшитувнинг тарихий ривожланиш босқичларини **қадимги, ўрта ва замонавий** даврларга бўлиб ўрганиш ҳақида хулосага келган.

Қадимги (антик) давр. Дастлабки эшитув босқичининг илк кўринишлари қадимги Рим ва Юнонистонда мавжуд бўлган. Яъни, ушбу босқичда судьялар томонидан далилларни тўплаш ва текшириш ишлари амалга оширилган. Масалан, Қадимги Римда дастлабки эшитув босқичининг илк намуналари «in iure» (юрисдикция босқичи), Қадимги Юнонистонда ушбу босқич «anakrisis» деб аталган. Бу босқичда даъвогар ва жавобгар судья (магистрат) олдига келиб, ўз даъволари ва эътирозларини баён этган. Судья (магистрат) бу босқичда ишнинг ҳуқуқий асосларини текшириб, унинг судга яроқли ёки йўқлигини аниқлаган. Айрим манбаларга кўра, «энг қадимги жиноят ишларининг дастлабки эшитув тарзида кўриб чиқилганлигини қадимги Афинада мил. авв V асрда учратамиз». Яъни, Қадимги Афинада айбловни дастлабки кўриб чиқиш (Eisangelia) 500 кишилик кенгаш ёки халқ йиғини томонидан амалга оширилган. Ушбу босқичда 500 кишилик кенгаш ёки халқ йиғини томонидан айбловнинг асослари текширилиб, шахсга айблов қўйиш ёки айблов моҳияти бўйича саволларга жавоб топиш кунни белгиланганлиги, томонлар эшитилгач айбланувчига жазо тайинлаш масаласида уни тегишли судга юбориш чоралари ҳал этилганлиги ҳақида қарашлар мавжуд.

Ўрта асрлар. Ўрта асрларда жиноят ишлари бўйича дастлабки эшитув босқичи («inquisitio» ёки «preliminary inquiry») турли юрисдикцияларда турлича тартибда ўтказилган. Англо-саксон ҳуқуқ тизимида намуна сифатида дастлабки эшитув (preliminary hearing)нинг классик шакли Буюк Британияда вужудга келиб, унинг ривожланиши умумий инглиз ҳуқуқига бориб тақалади. Буюк Британияда дастлабки эшитув босқичида судья ёки магистрат жиноят ишини судга киритиш учун етарли далиллар бор-йўқлигини текширган, айбланувчи сўроқ қилинган, гувоҳлардан кўрсатмалар олинган ва далиллар йиғилган. Ўша вақтларда мазкур босқичнинг асосий вазифаси жиноят ишини судда кўриб чиқиш учун етарли асосларни аниқлашдан иборат бўлган. Европада жиноят ишлари бўйича дастлабки далилларни тўплаш ва текшириш жараёнлари такомиллашган. Судья (магистрат) дастлабки эшитув босқичида жиноят ишини ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаган ва ишнинг судда кўрилиши учун етарли асос бор-йўқлигини аниқлаган. Агар ишда етарли далиллар мавжуд бўлса, иш судга киритилган, акси бўлган ҳолларда эса иш ёпилган.

Ислом ҳуқуқий тизимида қисман бўлсада дастлабки эшитувнинг элементларини кўришимиз мумкин. Мисол учун, қозилар келиб тушган ишлар бўйича дастлабки далилларни тўплаш ва текшириш ишларини амалга оширган, қози(судья)лар томонидан ишларни кўриб чиқишдан олдин маълумотларни йиғиш, гувоҳларни сўроқ қилиш ва далилларни текшириш вазифаларига алоҳида урғу берилган. Исломнинг илк даврларида, хусусан, Пайғамбар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврида адолатни таъминлаш мақсадида низолар Пайғамбар томонидан шахсан амалга

оширилган.

Замонавий ҳуқуқий тизимлар ривожланиши босқичи. Замонавий ҳуқуқий тизимларда дастлабки эшитув институти юқори даражада ривожланиб, ҳар бир юрисдикция доирасида мустаҳкам ҳуқуқий асосларга эга бўлган. Ушбу босқичда ишда мавжуд далилларни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш, ишларни суд муҳокамасига олиб чиқишда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар, яъни ишни судда кўриб чиқиш учун етарли асослар бор-йўқлигини аниқлаш, далилларни йиғиш ва уларни текшириш, гувоҳларни сўроқ қилиш ва ишга тегишли барча ҳолатларни ўрганиш амалга оширилган. Диссертант томонидан замонавий ҳуқуқий тизимларда дастлабки эшитув институти АҚШ, Буюк Британия, Россия, Германия, Франция каби мамлакатлар мисолида таҳлил қилинган. Мазкур илмий-назарий қоидалар суд муҳокамасида дастлабки эшитув институтининг назарий қоидаларини тўлиқ ёритишга хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Дастлабки эшитув институтининг процессуал жиҳатлари»** деб номланиб, унда жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказишнинг процессуал асослари ва тартиби, дастлабки эшитув ўтказишда прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятлари чуқур таҳлил қилинган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфи **«Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказишнинг процессуал асослари ва тартиби»** деб номланиб, унда дастлабки эшитув ўтказишнинг процессуал асослари яъни, жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш, жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш, жиноят ишини айблов далолатномасини, айблов хулосасини ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш, жиноят ишларини бирлаштириш(ажратиш), номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш асослари ва тартиби тадқиқ этилган.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили, жиноят ишларини дастлабки эшитув босқичида кўриб чиқиш муддатини ишни судда умумий тартибда муҳокама қилиш муддатига киритиш ёки киритмаслик бўйича турлича талқин қилинаётганлигини кўрсатди. Бу эса, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини ҳар хил қўллаш амалиётини шаклланишига, ўз навбатида турли тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Ваҳоланки, амалдаги ЖПКда дастлабки эшитув босқичининг процессуал асослари, тартиби, муддатлари алоҳида белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Мисол учун, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида жиноят ишини судда кўриш учун тайёрлаш босқичида судья узоғи билан ўн сутка ичида тегишли ажримлардан бирини чиқариши лозимлиги кўрсатилган бўлса, ЖПКнинг 405-моддасида жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан икки ойдан ошмаслиги кераклиги кўрсатиб ўтилган. Бундан қонунда жиноят ишини судда кўриш учун тайёрлаш босқичи учун белгиланган ўн сутка муддат жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддатига қўшилмайди деган хулосага келишимиз мумкин бўлади. Муаллиф мазкур омилларни инобатга олиб, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция

каби ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибалари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда жиноят ишларини дастлабки эшитув босқичида кўриб чиқиш муддати (ўн сутка)ни ишларни умумий суд муҳокамасида кўриб чиқиш муддатига киритмаслик лозим деган хулосага келган. Мазкур хулоса сўровномада иштирок этган респондентларнинг 79 фоизи томонидан маъқулланганлиги билан янада мустаҳкамланган.

Жиноят-процессуал қонунчиликда суд тарафларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказишнинг умумий тартиби белгиланган бўлса-да, лекин номақбул далилларни чиқариб ташлаш тўғрисидаги ишларда суднинг ташаббус кўрсатиши борасида аниқ қоидалар белгиланмаганлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли хил тушунмовчиликларни келиб чиқишига сабаб бўлаётганлиги диссертант томонидан салбий ҳолат сифатида қайд этилган. Қолаверса, айнан мазкур омил ҳуқуқни қўллаш амалиётини турли хил бўлишига сабаб бўлаётганлигини инобатга олиб номақбул далилларни чиқариб ташлаш тўғрисидаги ишларда суднинг ташаббус кўрсатиши асослантирилган. Мазкур таклиф сўровномада иштирок этган респондентларнинг 70 фоизи томонидан маъқулланган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи **«Дастлабки эшитув ўтказишда прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятлари»** деб номланиб, унда диссертант давлат айбловчисининг дастлабки эшитув босқичидаги иштироки, унинг процессуал мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, исботлаш субъекти сифатидаги фаоллиги даражаси, далилларни келтириш ва текширишда дуч келадиган муаммолар, тараф сифатида илтимоснома тақдим қилиш тартиб-таомиллари таҳлил қилинган.

Жумладан, Ф.Н.Багаутдинов, В.И.Басков, А.Бойков, Д.С.Довудова, А.Ф.Кони, Ю.В.Кореневский, П.И.Кудряцев, Н.В.Кулик, О.М.Мадалиев, И.Д.Перлов, М.З.Раджапова, В.М.Савицкий, А.В.Смирнов каби олимларнинг дастлабки эшитув босқичида прокурор иштирокига оид фикрлари комплекс таҳлил қилинган.

Амалдаги Жиноят-процессуал қонунчиликда давлат айбловчиси жиноят иши материалларидаги ҳар қандай далилни, агар уларни номақбул далиллар деб ҳисобласа, чиқариб ташлаш тўғрисида илтимоснома беришга ҳақли эканлиги кўрсатилган бўлса-да, лекин давлат айбловчисининг жиноят иши бўйича дастлабки эшитув тарзидаги илтимосномаси (*жиноят ишини тўхтатиш, тугатиш, бирлаштириш, ажратиш, ишни прокурорга юбориш, номақбул далилларни чиқариб ташлаш*) қачон, қандай тартибда берилиши тартиб-таомиллари кўрсатилмаган. Ўз навбатида мазкур омил ҳуқуқни қўллаш амалиётини турлича шаклланишига сабаб бўлаётганлигини инобатга олиб, давлат айбловчисининг дастлабки эшитув бўйича илтимоснома тақдим қилиш тартиби ва унинг намунаси асослантирилган. Қолаверса қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтириш берилган қонунчиликни қўллаётган давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийлиги белгиланган **«Жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриб чиқишга тайёрлаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги Пленум қарорида

жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома фақатгина «айбланувчи» томонидан айблов далолатномаси ёки айблов хулосасининг кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан уч сутка ичида берилиши кўрсатилганлигини инобатга олиб, дастлабки эшитув бўйича тарафлар сифатида процесснинг бошқа иштирокчилари (давлат айбловчиси) ҳам кўрсатилиши асослантирилган. Мазкур таклиф сўровномада иштирок этган респондентларнинг 60 фоизи томонидан маъқулланган.

Тадқиқотчи томонидан давлат айбловчиларининг жиноят судларидаги иштирокининг ташкилий ҳукукий асоси сифатида Бош прокурорнинг 27.11.2015 йилдаги «Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги 126-сонли буйруғида жиноят ишлари биринчи инстанция судларида дастлабки эшитув тарзида кўриб чиқилишида давлат айбловчилари (прокурорлар)нинг иштироки ҳақида тегишли қоидалар белгиланмаганлигини инобатга олиб, ушбу босқичда прокурор иштироки билан боғлиқ асосий қоидаларни белгилаш асослантирилган.

Е.А.Брагин, О.Ю.Гурова, Н.В.Кулик, П.А.Лупинская, С.В.Марасанов, И.Д.Перлов, Т.К.Рябина, В.М.Савицкий, В.Г.Ульянов, Ф.М.Ягфаров каби олимларнинг дастлабки эшитув босқичида прокурорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид, О.Ю.Гурова, М.З.Раджапова, А.А.Тушев каби олимларнинг дастлабки эшитув босқичида прокурорнинг айбловни ўзгартириш ҳуқуқига оид фикрлари комплекс таҳлил қилиниб, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Россия, Қозоғистон, Молдова каби хорижий мамлакатлар тажрибаси борасида прокурорнинг дастлабки эшитув босқичида айбловни ўзгартириш, айбловдан воз кечиши билан боғлиқ ваколатлари асослантирилган.

Статистик маълумотларга кўра² мамлакатимизда дастлабки эшитув тарзида кўриб чиқилган жиноят ишлари бўйича 2021 йилда 92 та, 2022 йилда 791 та, 2023 йилда 1053 та, 2024 йилда 1112 та ишларда прокурор иштироки таъминланган бўлиб, судларнинг ташаббуси билан ўтказилган дастлабки эшитув тарзида кўрилган жиноят ишлари *2021 йилда 62 та, 2022 йилда 654 та, 2023 йилда 918 та, 2024 йилда 1014 тани* ташкил этган бир вақтда, тарафларнинг ташаббуси билан *2021 йилда 30 та, 2022 йилда 137 та, 2023 йилда 135 та, 2024 йилда 98 та* жиноят ишлари бўйича дастлабки эшитув ўтказилгани муаллиф томонидан танқид остига олиниб, бу борада тарафларнинг ташаббус кўрсатиши бўйича тавсиялар ҳамда тарафларнинг дастлабки эшитув илтимосномаси намуналари ишлаб чиқилган. Эътиборлиси, дастлабки эшитув бўйича судьянинг ажримларига нисбатан келиб тушган протестларни юқори инстанцияда кўриб чиқилиши натижалари яъни Республика миқёсида 2021 йилда мавжуд эмас, 2022 йилда 1 та протест(рад), 2023 йилда 1 та протест (қаноат), 2024 йилда 3 та протест (қаноат) кўриб чиқилиб, тегишли хулосалар умумлаштирилган.

² Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2021-2024 йиллар давомида кўрилган дастлабки эшитувлар тўғрисидаги маълумот. Олий суди раиси ўринбосарининг 05.02.2025 йилдаги 07/13-1048-75-сонли алоқа хати.

Диссертациянинг учинчи боби «**Дастлабки эшитув институтининг такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланган бўлиб, унда дастлабки эшитув ўтказиш бўйича хорижий давлатлар тажрибалари, дастлабки эшитув институтини янада такомиллаштиришга доир янгича ёндашувлар чуқур таҳлил қилиниб, илмий ва амалий хулосалар қилинган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфи «**Дастлабки эшитув ўтказиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси**» деб номланиб, тадқиқотчи унда АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Испания, Германия, Россия, Қозоғистон, Белорусия, Молдова, Озарбайжон, Қирғизистон, Эстония каби давлатларнинг тажрибаларини ушбу мамлакатлар қонунчилиги асосида ўрганиб, муаллифнинг тегишли хулосалари берилган.

Диссертант жиноят процессининг дастлабки эшитув босқичини бутун дунё бўйлаб қўплаб ҳуқуқий тизимларда айбланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда адолатли суд жараёнини таъминлашда асосий процессуал босқич сифатида намоён бўлишини умумий тамойилларни белгилайдиган халқаро ҳуқуқий манбалар «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пакт, «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конвенциянинг қоидаларини татбиқ этган ҳолда асослантирган.

Тадқиқот ишида АҚШда жиноят ишларининг 96 фоизи дастлабки эшитув тарзида кўриб чиқилиши, дастлабки эшитув асосан қамоқ қўлланилиши мумкин бўлган оғир жиноятлар (felony) бўйича ўтказилиши ҳақидаги қоидалардан келиб чиқиб, миллий қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлил қилинган ҳолда судлар томонидан жиноят ишларини дастлабки эшитув тарзида кўриб чиқиш амалиётини кенг йўлга қўйиш ва унинг ижобий жиҳатлари асослантирилган.

Шу жумладан, диссертант Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигига тўхталиб унда ўта оғир жиноятлар бўйича дастлабки эшитувни ўтказиш мажбурийлиги, яъни фавқулодда вазиятда ва оммавий тартибсизликлар пайтида содир этилган қотилликлар, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига, конституциявий тузум асосларига ва давлат хавфсизлигига қарши, террористик ва экстремистик, уруш даврида ёки жанговар вазиятларда содир этилган ҳарбий жиноятлар, жинсий гуруҳ таркибида содир этилган жиноятлар бўйича ишлар дастлабки эшитув тарзида кўриб чиқилишида тарафларнинг илтимосномаси талаб қилинмаслиги, мазкур тоифадаги жиноятлар бўйича шахсларнинг етарли далилларсиз жавобгарликка тортилишининг олдини олишда дастлабки эшитув босқичи фильтр вазифасини ўташи каби жиҳатлари ёритиб берилган.

